



ТУПРОҚ ЕРОЗИЯСИНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Турўунова Гулхумор Баҳтиёр қизи

Қўлдашев Шохруҳбек Санжарбек ўғли

Хайитбекова Мухлиса Миркомилжон қизи

Аннотация: Ушбу мақолада ерозия ҳақида, унинг келиб чиқиш сабаблари, зарарлари ва унга қарши кураш чораларига оид маълумотлар баён етилган.

Калит сўзлар: Эрозиянинг келиб чиқиши, Эрозиянинг умумий кўриниши, Шамол эрозияси, Механик таркиб, Сув эрозияси, Антропоген омил.

Эрозия – бу сув ва шамол оқимлари таъсирида тупроқ ва унинг остки қатламларини емирилиши, емирилиш маҳсулотларини бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш ва қолдириш жараёнларининг йиғиндиси.

Эрозиянинг келиб чиқишига таъсир этувчи омилларга қараб уни икки хилга ажратилади: сув ва шамол эрозияси.

Сув эрозияси ёмғир ва эриган қор сувларини оқиб тушиши натижасида пайдо бўлади, шамол эрозияси эса шамол (ҳаво оқими) таъсирида пайдо бўлади.



1-расм. Эрозиянинг умумий кўриниши

Сув ва шамол эрозияси ўзининг тупроққа нисбатан емирилиш таъсири ва табиати бўйича ҳар хил, лекин уларнинг таъсири натижасида умумийлик мавжуд. Тупроқда чиринди ва ўсимликлар учун керакли озуқа моддарни камайтиради ва охирида тупроқ унумдорлигини кескин пасайтиришда олиб келади.

Шамол эрозияси (дефляция) ҳам икки хил шаклда ўтади: нормал (ҳар кунли) ва чангли бўронлар. Биринчиси шамолнинг тезлиги 5-7 м/сек бўлганда ўтади, иккинчиси эса шамолнинг тезлиги секундага 8-10 метрдан юқори бўлади. Юқорида айтилганлардан шундан хулоса қилиш мумкинки, эрозия жараёнининг келиб чиқишида асосан иккита йирик омиллар ётади: физико-географик ва антропоген (инсоннинг хўжалик фаолияти)



2-расм. Шамол эрозиясининг таъсири

Физико-географик омиллар куйидагиларга бўлинади: иқлим, рельеф, тупроқ ва ўсимликлар. Бу омиллар ўз навбатида эрозияга таъсир қилувчи бир қатор элементларни ўз ичга олади. Иқлимнинг элементлари: ҳарорат; ёғингарчилик; шамол. Рельефнинг элементларидан қиялик: шакли, бурчаги, узунлиги, йўналиши.

Тупроқнинг элементлари: менханик таркиби, чиринди миқдори, намлиги ва унумдорлиги. Ўсимликларнинг элементлари сифатида уларнинг ер юзасини қопланганлик даражаси аниқланади. Қанчалик юза кўп йиллик ўтлар (ўсимликлар) қопланган бўлса, шунчалик тупроқ қоплами ювилиш ёки

заррачалар учирилиб кетишидан сақланади.

Қишлоқ хўжалиги тўғридан-тўғри таъсири бор. Унинг миқдорини қуйидаги рақамларда келтирамиз:

- муҳим техник ўсимликларнинг ҳосилдорлиги камайиши (Белоруссия ҳудудида – сув эрозиясига 470 минг гектар ер майдони, қиялигина қараб 12-40%, ҳайдалма ерларда - 20–60 %, кўп йиллик ўтлар - 5–20 %),

- тупроқ таркибидаги гумуснинг миқдорини 30 мартагача камайишини ҳисобига аҳолининг ортиши ва ҳосилдорлик ўртасида мувозанатни ушлаб туриш мумкин (Россия Федерацияси Курск вилояти).

Антропоген омиллар инсоннинг фаолияти боғлиқ. Инсон юқорида тезлашган эрозиянинг сабабчиси. Агар инсон ўз фаолиятини илмий асосда, онгли равишда олиб борса, тезлашган эрозиянинг интенсивлиги ҳам сўзсиз пасайиб боради.

Шамол эрозиясини камайтириш мақсадина бир нечта мисоллар келтирамиз.



3-расм. Шамол эрозияни камайтириш учун дарахтлар фойдаланиши

Зарурий қишлоқ хўжалик ўсимликларни етиштиришда, айниқса, буғдой ва бошқа донли ўсимликлар маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини меъёрда бўлиши учун қайд этилган масалани чуқурроқ ўрганишимиз керак

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керак-ки, жамият учун фойдали табиий ресурслар бири бўлган тупроқнинг эрозиясини камайтириш, унинг унумдорлигини ошириш бўйича ишларни олиб бориш келажакда ижтимоий ва www.pedagoglar.org

иқтисодий нуқтаи назардан ижобий таъсирини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Кадиров Р.Н. Такрорий соядан кейин экилган истиқболли Дурдона, Аср навларининг сув баланси //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали.-2012. №12.- 17 б.
2. Почвы Республики Беларусь / под ред. В. В. Лапа. – Минск: ИВЦ Минфина, 2019. – 632 с.
3. Ю. П. Сухановский, А. В. Прущик, Ю. А. Соловьева, С. И. Санжарова. Проблема обоснования допустимых эрозионных потерь почвы и подход к ее решению//Бюллетень Почвенного института им. В.В. Докучаева. 2015. Вып. 78. Стр. 3-19.
4. Лисецкий Ф.Н., Светличный А.А., Черный С.Г. Современные проблемы эрозиоведения. - Белгород: Константа, 2012. 456 с.